

АРАЛАШ ТАЪЛИМ МОДЕЛЛАРИ

Дилором Нуруллоевна АШУРОВА

Мустақил изланувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

МОДЕЛИ СМЕШАННОГО ОБУЧЕНИЯ

Дилором Нуруллоевна АШУРОВА

Самостоятельный соискатель

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

MODELS OF BLENDED LEARNING

Dilorom Nurulloevna ASHUROVA

Independent researcher

Uzbekistan State World Languages University

Tashkent, Uzbekistan ashurova_7@mail.ru

УЎК (УДК, UDC): 37.022

**For citation (иктибос келтириш учун,
для цитирования):**

Ашурова.Д.Н. Аралаш таълим моделлари
//Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021.
— № 1(36). — С.115-127.

<https://doi.org/10.36078/1618824681>

Received: December 22, 2020

Accepted: January 28, 2021

Published: February 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative
Commons Attribution International License
(CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Аралаш таълим моделлари хусусида дунё олимларининг фикр-мулоҳазалари, илмий ишлари тадқиқ этилиб, илмий-назарий натижаларни миллий амалиётга жорий этиш масалалари кўриб чиқилди. Ўқитиш услубларининг ўзгариши аралаш таълимни амалга оширишнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Ўқитувчининг асосий вазифаси технологиялардан самарали фойдаланиб, ахборот-таълим муҳитини яхшилашга қаратилган услубий методларни дарс жараёнида тўғри қўллашдир. Мақолада аралаш таълим кўп қўлланиладиган моделларнинг таснифи, афзалликлари ва қўлланиш усуллари ҳақида сўз боради. Клейтон Кристенсен институти аралаш таълим таърифи, моделлари, амалиётда қўллаш усуллари ифодаланган бир қатор илмий манбаларни нашр этган. Ушбу нашрларда қуйидаги тўртта аралаш таълим моделига эътибор қаратилган: алмашиш модели (Rotation model), мослашувчан модел (flex model), махсус аралаш модел (Self-Blend model), кенгайтирилган-виртуал модел (Enriched-Virtual model). Ўз навбатида, алмашиш модели (rotation model) тўртта субмоделга бўлинган: жой алмашинуви модели (Station Rotation Model), лаборатория алмашинуви модели (Lab Rotation Model), тескари синф модели (Flipped Classroom Model) ва индивидуал алмашиш модели (Individual Rotation Model). Мақолада ҳар бир модел асосида аралаш таълимнинг мазмуни ёритиб берилди ва мисоллар орқали таҳлил этилди. Мақоланинг хулоса қисмида аралаш таълим моделларидан ўқув жараёнида тўғри фойдаланиш юзасидан илмий кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Калит сўзлари: аралаш таълим; аралаш таълим моделлари; Rotation model; Station Rotation Model; Lab Rotation Model; Flipped Classroom Model; Individual Rotation Model; Flex model; Self-Blend model; Enriched-Virtual model.

Аннотация. В статье исследуются взгляды и научные работы по моделям смешанного обучения и вопросам его внедрения в отечественную практику. Изменение методики обучения – одна из главных особенностей внедрения смешанного обучения. Роль учителя включает методические приемы, направленные на эффективное использование технологий и улучшение информационно-обучающей среды. Статья рассматривает классификацию, преимущество и методы применения широко используемых моделей смешанного обучения. Институт Клейтона Кристенсена опубликовал ряд работ по смешанному обучению, в которых подробно описаны определение, модели и практическое применение смешанного обучения. Среди них, такие как: модель ротации, «гибкая» модель, модель «на выбор», расширенная виртуальная модель. В свою очередь, модель ротации делится на четыре субмодели: модель ротация станций, модель ротация лабораторий, модель перевёрнутый класс, модель индивидуальная ротация. В заключительной части статьи представлены научные рекомендации по правильному использованию моделей смешанного обучения в учебном процессе.

Ключевые слова: смешанное обучение; модели смешанного обучения; модель ротации; модель ротация станций; модель ротация лабораторий; модель перевёрнутый класс; модель индивидуальная ротация; «гибкая» модель; модель «на выбор»; расширенная виртуальная модель.

Abstract. The article explores the views and scientific works of world scientists on models of blended learning and issues of its introduction into national practice. Changing teaching methods is one of the main features of the introduction of blended learning. The role of the teacher includes teaching methods aimed at the effective use of technology and improving the information and learning environment. The article examines the classification, advantage and methods of applying widely used blended learning models. The Clayton Christensen Institute has published a number of papers on blended education that detail the definition, models, and practical applications of blended learning. Among them, such as: Rotation model, Flex model, Self-Blend model, Enriched-Virtual model. In turn, the rotation model is divided into four submodels: Station Rotation Model, Lab Rotation Model, Flipped Classroom Model, and Individual Rotation Model. On the basis of each model, examples were given to disclose the essence of blended learning and examples were given. The final part of the article provides scientific advice on the correct use of blended learning models in the educational process.

Keywords: blended learning; models of blended learning, Rotation model; Station Rotation Model; Lab Rotation Model; Flipped Classroom Model; Individual Rotation Model; Flex model; Self-Blend model; Enriched-Virtual model.

Кириш. Жаҳон педагогикасида таълим олувчининг фикрлаш қобилиятини ошириш, мустақил ишлашга ўргатиш, муаммоларни ҳал қилиш каби кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган ўқитиш усулларидан, шунингдек, уларни ҳамкорликда ишлашга ўргатувчи таълим методларидан кенг фойдаланиш таклиф этилади. Аралаш таълимда рақамли ўқув ресурслар ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Аралаш таълимни амалга ошириш педагогдан юқори малакани талаб этади, бунда:

АКТ компетентлиги юқори бўлиши, ахборот технологиялари техник ва дастурий воситаларидан самарали фойдаланиш, таълимни бошқариш тизимларини билиш;

фан бўйича ўқув контенти (мазмун)ни мустақил ишлаб чиқиш, аммо ҳар қандай ўқув ресурслар ҳам аралаш таълим тизими учун мос келмаслиги мумкин;

ҳар бир талаба имкониятини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини ташкил этиш.

Клейтон Кристенсен институти аралаш таълим асосида ўқитилаётган икки юзга яқин мактабларда тажрибалар ўтказиб, қирққа яқин моделларни ишлаб чиққан. Институт аралаш таълим таърифи, моделлари, амалиётда қўллаш усуллари каби назарий муаммоларни батафсил ўрганиб, аралаш таълим бўйича бир қатор ишларни нашр этган (3).

Мақолада соҳага оид инглиз тилидаги атамалар қўлланилган бўлиб, ушбу атамаларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўзбек тилидаги муқобилини келтиришига ҳаракат қилдик.

Асосий қисм. Хорн ва Стейкер дастлаб олтига бўлган ва қискартирилган тўртта моделнинг типологияси билан ишлайди (1). Уларнинг илмий қарашлари олтига ўзига хос модел асосида ажратилган:

1. “Юзма-юз” бошқариладиган модел (Face-to-Face Driven Model), ўқув хонасидаги анъанавий таълим онлайн ўқитиш билан тўлдирилади.

2. Алмашиш модели (Rotation Model), онлайн ва ўқув хонасидаги анъанавий ўқиш бошқа кўринишлар билан алмашилиб туради.

3. Мослашувчан модел (Flex Model), бунда талабалар асосан индивидуал равишда олдиндан тайёрланган жадвал асосида онлайн режимида ўқишади ва эҳтиёж туғилганда ўқитувчилар талабаларга юзма-юз ёрдам беришади.


4. Онлайн лаборатория модели (Online Lab Model), бунда талабаларга дарс анъанавий машғулотлар кўринишида олиб борилади, ташкил этилган қўшимча онлайн курсларга кампусда иштирок этиш орқали билимларини мустаҳкамлайдилар.

5. Махсус аралаш модел (Self-Blend Model), бунда талабаларга дарс анъанавий машғулотлар тарзида олиб борилиб, ташкил этилган қўшимча онлайн курсларга кампусдан ташқарида иштирок этиш орқали билимларини мустаҳкамлайдилар.

6. Кенгайтирилган виртуал модел (Enriched Virtual Model), унда таълим асосан онлайн режимида бўлиб, вақти-вақти билан талабалар анъанавий ўқиш учун таълим муассасасига ташриф буюришади.

Юқорида қайд этилган тадқиқотчилар 1-моделни 2- ва 3-моделлардан деярли фарқ қиладиган жиҳати йўқлиги сабабли олиб ташлашга ҳамда 4- ва 5- моделларни бирлаштиришга қарор қилишади. Бунда алмашиш модели (Rotation Model), мослашувчан модел (Flex Model), махсус аралаш модел (Self-Blend Model) ва кенгайтирилган виртуал модел (Enriched Virtual Model)ларни қолдирилади. Улар алмашиш модели (Rotation Model)нинг турли кўринишларини эътироф этишади, талабанинг кампусда ва ундан ташқарида бўлишини ҳисобга олган ҳолда ажратиб, энг қизиқарли вариант сифатида тескари синф (Flipped Classroom) моделини танлашади. Бунда талаба асосий контент ва маълумотларга эга бўлиш учун ўзи хоҳлаган жойда онлайн ўқийди. Ўқув хонаси мавзу муҳокамаси ва баҳолаш каби муҳим вазифаларни бажариш учун ишлатилади. Шундай қилиб, ўқув хонада мавзуни

тушунтириш ва ўрганилган маълумотлар асосидаги уй вазифасини баҳолаш учун ишлатилган қоидалар ўзгаради.



1-расм. Аралаш таълим таксономияси

1. Алмашиш модели (Rotation model) — муайян ўқув курси, мавзулар доирасида талабалар белгиланган махсус жадвал бўйича ёки ўқитувчиларнинг ихтиёрига биноан, ҳеч бўлмаганда биттасини онлайн равишда ўқитиш шакллари орасида алмашиб турадиган модел. Ушбу моделнинг бошқа шартлари кичик гуруҳ ёки тўлиқ ўқув хонаси, гуруҳ лойиҳалари, индивидуал дарслар, ёзма топшириқлар каби фаолиятни ўз ичига олиши мумкин. Ушбу модель тўртта субмоделни ўз ичига олади: Станцияларни алмаштириш (Station Rotation), Лаборатория алмашинуви (Lab Rotation), Тескари синф (Flipped Classroom), Индивидуал алмашиш (Individual Rotation).

1.1. Жой алмашинуви модели (Station Rotation) — бу моделни амалга ошириш маълум бир дарс ёки мавзу доирасида белгиланган жадвал бўйича ёки ўқитувчининг ихтиёрига биноан синфда ўқитиш усуллари орқали амалга оширилади. Жой алмашинуви модели камида битта онлайн ўқув муҳитини ўз ичига олади. Бошқа станциялар кичик гуруҳ ёки тўлиқ синфларга ўқитиш, гуруҳ лойиҳалари, индивидуал дарслар, ёзма топшириқлар каби фаолиятни ўз ичига олиши мумкин. Баъзи бир амалиётлар бутун ўқув хонасини ўз ичига олади, ҳаракатлар кетма-кетликда, бошқалари ўқув хонасини кичик гуруҳларга ёки навбатма-навбат бир-бирлари билан алмашган тарзда ташкил этилади. Жой алмашинуви модели индивидуал-ротацион моделдан фарқ қилади, бунда талабалар нафақат махсус олдиндан тайёрланган жадваллар асосида, балки барча махсус жойлар бўйлаб айланишади (2-расм). Ушбу модел самарали бўлиши учун ўқув хонаси бошқарувни талаб қилади, дарсга ажратилган вақт кўпроқ бўлганда яхши натижа беради.

Жой алмашинуви моделининг афзалликлари:

- 1) битта ўқув хонасида амалга ошириш қулайлиги;
- 2) белгиланган жадвалларни ўзгартиришга ҳожат йўқлиги;
- 3) дарснинг бир қисмида электрон қурилмалар қўлланилиши;
- 4) катта ҳажмдаги ўқув хонаси талаб қилинмаслиги.




2- расм. Жой алмашинуви (Station Rotation) модели

1.2. Лаборатория алмашинуви модели (Lab Rotation) — муайян курс ёки фан доирасида талабалар белгиланган жадвал бўйича ёки ўқитувчининг хоҳишига кўра кампусда анъанавий ўқув хоналарида алмашинилади. Ушбу жойлардан камида биттаси асосан онлайн ўқитиш учун ўқув лабораторияси, қўшимча майдонларда эса бошқа ўрганиш усуллари киради. Лаборатория алмашинуви модели Жой алмаштириш (Station Rotation) моделидан фарқ қилади, талабалар мавзуларни битта ўқув хонасида аралашиб ўқиш кўринишида эмас, кампусда жойлашган бошқа хоналарда айланиш орақали амалга оширади (3-расм). Ушбу моделда лаборатория хонасининг фаолият қилиш вақтини режалаштириш керак бўлади, хонага ҳар кун кириш имконияти бўлмаслиги мумкин.

Лаборатория алмашинуви моделининг афзалликлари:

- 1) ўқув хонасида жиҳозлари мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳам мос келади;
- 2) талабалар бир вақтнинг ўзида онлайн таълимда ҳам иштирок этади;
- 3) ўқитувчилар талабаларнинг ҳар бирига кўрсатмалар бериш имконияти юзага келади.




3- расм. Лаборатория алмашинуви (Lab Rotation) модели

1.3. Тескари синф модели (Flipped Classroom) — айланиш моделини амалга ошириш маълум бир дарс ёки мавзу доирасида машғулотлар ўқитувчилар раҳбарлигида белгиланган жадвал асосида олиб борилади, мавзу материаллари турли кўринишда онлайн тарзда олдиндан шуғулланиш учун талабага етказилади. Талабалар уйда мавзу материаллари билан танишадилар ва мавзудаги кўрсатмаларни бажарадилар. Мавзу таркибини ва дарсларни бирламчи етказиб бериш онлайн режимда амалга оширилади, шундан сўнг талабалар мавзуга тайёр ҳолда дарсда иштирок этадилар. Дарсда мавзу мазмунини амалда қўллаш масалалари, тушуниш қийин бўлган жиҳатларига этибор берилади ёки лойиҳалар муҳокама қилинади (4-расм). Аралаш таълимнинг тескари синф модели талабалар вақтини, жойини, йўналишини ёки тезликни назорат қилишнинг баъзи элементларини қамраган онлайн контентни ўз ичига олади.

Талабаларнинг онлайн контент орқали дарсдан олдин мавзунини мураккаб ўзлаштириши, дарсда шу мавзунини янгидан тушуниришга кетадиган вақтни тежайди. Тежалган вақт мавзуга тегишли муаммоларни ҳал қилишга, билим-кўникмаларни амалда қўллашга ва таълим олувчилар билан янги ўқув маҳсулотлар яратишга йўналтирилади. Ушбу моделда талабалар уйда компьютер ва Интернетдан фойдаланиб берилган вазифани ўзлаштириши керак.

Тескари синф модели афзалликлари:

- 1) гуруҳ билан ишлашнинг қулайлиги;
- 2) белгиланган дарс жадвалларни ўзгартиришга ҳожат йўқ;
- 3) хоналарда катта ўзгартириш киритиш талаб қилинмайди;
- 4) индивидуал, мураккаб ўқитиш самарали хусусиятга эга.




4- расм. Тескари синф (Flipped Classroom) модели

1.4. Индивидуал алмашиш модели (Individual Rotation) — алмашиш моделини амалга ошириш, унда муайян дарс ёки мавзу доирасида белгиланган жадвалга мувофиқ талабалар таълим усуллари орасида алмашиб турадилар. Бунда усулларнинг камида биттаси онлайн кўринишда бўлади. Ўқитувчи томонидан талабалар учун индивидуал дарс жадвали белгиланади. Индивидуал алмашиш бошқа айланиш моделлардан шуниси билан фарқ қиладики, талабалар ҳар бир мавжуд станцияларда ёки моделларда иштирок этишлари шарт эмас. Ушбу моделда жой ва дарс олдиндан режалаштириш талаб қилинади.

Индивидуал алмашиш модели афзалликлари:

- 1) тўлиқ персоналлашган ўқув тажрибасини тақдим этади;
- 2) индивидуал ва жамоавий ўқитиш усуллари учун самарали;
- 3) бутун синф ёки ўқув муассасасида амалга ошириш учун мукамал модел.




5-расм. Индивидуал алмашиш (Individual Rotation) модели

2. Мослашувчан модел (Flex model) — мавзу материаллари ва кўрсатмалар Интернет орқали етказилади, талабалар ўқитиш усуллари ўртасида индивидуал равишда ҳаракатланади ва ўқитувчи жадвалга мувофиқ ўз иш жойидан талабалар билан мулоқот қилади. Ўқитувчилар кичик гуруҳларда ишлаш, гуруҳ лойиҳалари ва яқка тартибдаги машғулотларда зарурат туғилганда талабаларга мослаштирилган вақтда индивидуал мулоқотда бўладилар. Баъзи бир мавзуларда кўпроқ юзма-юз дарслар талаб қилинса, айримларида эса юзма-юз дарслар талаби минимал даражада бўлади. Ушбу модел ўқув хона ва бошқаришнинг модификациясини ҳамда талабалар мустақил ўрганишларини талаб этади (6-расм).

Мослашувчан модел афзалликлари:

- 1) тўлиқ персоналлашган ўқув тажрибасини тақдим этади;
- 2) юзма-юз ва жамоавий ўқитишда қўллашнинг самаралилиги;
- 3) бутун ўқув муассасаси ва алоҳида гуруҳ учун амалга ошириш қулай.



6-расм. Мослашувчан модел (Flex model)


3. Махсус аралаш модел (Self-Blend Model) — талабалар анъанавий дарсларни ўрнини тўлдириш учун бир ёки бир нечта курсларни тўлиқ онлайн ўқишади ва онлайн дарсларда ўқитувчи кўрсатмалар бериб боради. Бунда талабалар онлайн ўқишни кампусда ва ундан ташқари (масалан, уй шароити)да ҳам ўзлаштиришлари мумкин. Талабалар бирма-бир онлайн курсларни мустақил равишда ўзлаштирадилар, шунингдек, талабалар анъанавий тарзда бошқа курсларда иштирок этадилар (7-расм).

Ушбу моделда талабалар тўлиқ виртуал муҳитда мустақил ўқишлари талаб этилади. Талабаларга янги курс аввалида таништирув дарси ташкил этилади. Таништирув дарсидан сўнг талабалар қолган дарсларни уйда бажарадилар. Талабалар хоҳишига кўра ёки ёрдамга муҳтож бўлса, синфда ишлаш имконияти берилади. Курс давомида ўқитувчилар ҳар бир талаба билан мунтазам равишда учрашиб, уларнинг

Ўзлаштиришини таҳлил қиладилар. Ҳар бир ўқув жараёни тугагач, онлайн тарзда ўзлаштириш тестлари ўтказилади.

Махсус аралаш модел афзалликлари:

- 1) ҳар бир талаба учун (индивидуал) амалга ошириш имкони мавжудлиги;
- 2) талабаларнинг курсни қай тарзда ўзлаштиришини танлаш имконияти мавжудлиги;
- 3) амалга оширишнинг осонлиги.




7-расм. Махсус аралаш модел (Self-Blend Model)

4. Кенгайтирилган-виртуал модел (Enriched-Virtual Model)

— ўқув муассасаларида қўлланилади, унда анъанавий дарсларнинг қайси бирида иштирок этиш, мавзу материаллари ва кўрсатмалар олиш учун онлайн иштирок этадиган вақтни талабаларнинг ўзи белгилайди. Кенгайтирилган-виртуал модели Тескари синф моделидан фарқи бунда талабалар университетда анъанавий дарсларга камдан-кам қатнашадилар, Махсус аралаш моделидан эса айрим курслар микёсида эмас, умумий ўқув муассасасидаги фанларнинг барчасида қўлланилгани билан фарқ қилади. Ушбу моделда дарс жадвалида ўзгаришлар кузатилади, талабалар уйда компьютер ва Интернетдан фойдаланишлари керак. Талабалар янги фанни бошлашидан аввал ўқув хонасида маслаҳат дарслари сифатида кўрсатмалар берилади. Талабалар берилган кўрсатмалар асосида дарсларда онлайн тарзда иштирок этадилар. Талабалар мавзу ва топшириқларнинг тушуниши қийин бўлган мураккаб қисмларини, ўз хоҳишига кўра, ўқув хонасида юзма-юз дарс сифатида иштирок этиш орқали ўзлаштирадидилар ва шу ернинг ўзида ишлаш имкониятига ҳам эга бўлишади (8-расм).

Кенгайтирилган-виртуал модел афзалликлари:

- 1) талабалар дарс жадвалларини ўзларига мос равишда тузиши мумкин;
- 2) ўқитувчилар одатдаги анъанавий дарсларга қараганда кўп сонли талабаларга дарс беришлари мумкин;
- 3) ўқитувчилар бир нечта талабалар билан ўқув хонасида ишлаши мумкин;
- 4) талабалар юзма-юз дарсларда иштирок этишлари ҳам мумкин.



8-расм. Кенгайтирилган-виртуал модел (Enriched-Virtual model)

АҚШнинг Бригам Янг университети профессори Чарльз Грем аралаш таълим моделларини тўрт ўлчов, тўрт даража ва уч турга кўра таснифлашни таклиф қилди (2). Унинг бу тўрт ўлчови оддий бўлиб, макон (юзма-юз/виртуал), вақт (синхрон/асинхрон), аксарият сезги аъзоларининг иштироки (юқори, барча сезги аъзолар/ паст, фақат матндан иборат) ва инсон иштироки (инсоннинг устунлиги, техника / инсон омилининг пастлиги, техниканинг устунлиги). Бу бимодал етказиб бериш орқали белгиланган аралаш таълим ғояси билан боғлиқ. Иккинчи ва бутунлай бошқача таснифлаш элементи унинг даражаси: фаолияти, курси, дастури ва таълим муассасаси ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Аралаш таълим индивидуал ўқув фаолиятида қўлланган методлардан бутун муассасада қўллаш жиҳатидан фарқ қилади.

Чарльз Грем мақсадга боғлиқ бўлган аралаш таълимнинг уч тоифасини кўрсатиб ўтди:

- 1) фойдаланиш ва мослашувчанликка йўналтирилган аралаштириш имкониятлари;
- 2) анъанавий педагогикани такомиллаштиришга қаратилган аралаштириш;
- 3) педагогикани ўзгартиришга қаратилган ҳамда ўзгарувчан аралаштириш.

Грем фикрича, талабалар ўз билимларини шакллантиришда янада фаолроқ иштирок этишлари мумкин. Бу ерда аниқ ёпиқ иерархия мавжуд бўлиб, унда трансформация энг мақбул ечим ҳисобланади. Шунинг учун Грем типологиядаги модаллик усуллардан ташқарига чиқиб, ҳам кўламини, ҳам педагогик мақсадини ҳисобга олади.

У аралаш таълимни қабул қилиш учун олти асосни келтирди:

1. Педагогик самарадорлик.
2. Билим олишга имконият.
3. Ижтимоий алоқалар.
4. Шахсий иштирок.
5. Иқтисодий самарадорлик.

6. Қайта кўриб чиқишнинг қулайлиги.

Улардан 1-, 2- ва 5-асослар энг машҳур сабаблар деб топилди (2). Дастлаб Крис Проктер (6), шунингдек Алексей Хайнце (9) аралаш таълим тўлиқ бўлмаган сиртқи ўқишда таълим олаётган талабалар учун билим олиш имкониятини яхшилади, деб таъкидладилар. Грем билим олиш имкониятини яхшиланганлигини кўрсатадиган тадқиқотлар таҳлили натижасида юқоридаги илмий назарияни илгари сурди (2).

Иқтисодий самарадорликка келсак, бу бир оз мунозарали масала. Грем инвестициялар юқори даромад келтириши ҳақида маълумот беради (2). Ребекка Лаунер аралашган таълим арзон эканлигини рад этади, чунки материалларни мослаштириш харажатлари, АКТ инфратузилмаси нархи, техник ёрдамга эҳтиёж ва талабаларга ўқитишни қўллаб-қувватлашни қисқартиришнинг мантиқий эмаслиги каби жиҳатлар мавжуд (4). Грем ва Чак Дзюбаннинг таъкидлашича, аралаш таълимни жорий этишда ходимларнинг қисқариши молияни тежашнинг асосий манбаи ҳисобланади (5).

Энг катта мунозаралар педагогик самарадорлик билан боғлиқ. Аралаш таълимнинг афзаллигидан бири шундаки, у турли ўқув услубларини бирлаштириш имкониятига эга (6). Маъруза мисолида муаммонинг моҳиятига назар соламиз. Маърузанинг олий таълимда тутган ўрни бирмунча вақтдан бери мунозарали бўлиб келмоқда, ваҳоланки, бу ҳали ҳам билим беришнинг кенг тарқалган усули ҳисобланади. У асосан бир хиллиги ва самарасизлиги туфайли жиддий танқид остига олинган (7).

“Маърузани ёзиб олиш (Lecture capture)” талабаларга маърузаларни ўзлари танлаган вақт ва тезликда кўриш имкониятини беради ва шу билан жараённи ҳамма учун очиқ, самарали бўлишини таъминлайди. Аммо Москал ва бошқалар томонидан олиб борилган изланишларда, “маърузаларни ёзиб олиш” аралаш таълимнинг унчалик машҳур бўлмаган алтернативаси сифатида тасвирланган (8). Онлайн технологиялар учун талаб қилинган иккита афзаллик (унинг вақт ва жойни бирлаштириш қобилияти) маърузаларни аралаш таълим каби самарали ва қизиқарли ўқитиш учун етарли эмаслиги кўринади. Бошқа бир масалани кўриб чиқайлик. Онлайн мунозарада бир неча бор таъкидланган афзалликлардан бири шундаки, у тортинчоқ гуруҳ аъзоларига дарсда фаол қатнашишга имкон беради. Шу билан бирга, баъзи талабалар онлайн мунозарада қатнашишда ўзларини бироз ноқулай сезган ҳолатлари ҳақидаги далиллар ҳам мавжуд (9). Демак, шунчаки фаолиятни онлайн тарзда ўтказиш педагогик ютуқларни таъминлаш учун етарли эмас. Маъруза услуби ёки модерация услуби каби бошқа омиллар ҳам муҳим бўлиши зарур. Грем ва Дзюбан (5) томонидан қайд этилган тадқиқот натижалари аралашган таълим фойдасига ўзгарган, аммо бу қисман уни онлайн усуллар учун янада қулайлаштириш учун курс таркибидаги ўзгаришлар туфайли келиб чиққанлигини тахмин қилиш мумкин.

Хулоса. Аралаш таълимда ташкил этилган онлайн баҳолаш ўқитувчига юкломани камайтириши ва талабаларга индивидуал йўналишини кузатиб бориш имкониятини яратади. Технологик инновациялар ўқитишда фойдаланиш мумкин бўлган ечимлар доирасини кенгайтормоқда. Аралаш таълимда нимани ва қандай қилиб бирлаштириш кераклиги муҳим аҳамият касб этади. Ўқитиш самараларини оширишга қаратилган услублар ва уларни онлайн ўқитиш усуллари билан аралаштирган тарзда ташкил этилган аралаш таълим

моделлари ўз самарасини беради. Албатта, бу борада жаҳон тажрибасига асосланган аралаш таълим модели ҳар тарафлама чуқур уйланган ва режа асосида ташкил этилган бўлишни талаб этади. Ўқитувчилар томонидан аралаш таълимни жорий этишда кўп фойдаланиладиган модел — тескари синф (Flipped Classroom) моделидир. Бу борада ушбу моделнинг асосан талабаларнинг мустақил ўқишларига эътибор қаратилганлигини инобатга олиб, олдиндан бериладиган мавзу материаллари онлайн платформаларда жойлаштирилиши ва талабаларнинг материаллардан фойдаланиш даражаси, мавзунинг мураккаб жиҳатларини билиш мақсадида назорат элементларнинг жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ. Дарс жараёнида эса мавзунинг тушуниш қийин бўлган жиҳатларига эътибор қаратиш, амалий ишлар ва лойиҳаларни муҳокама қилиш мумкин бўлади.

2019 йил тажриба-синов тариқасида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Кечки таълим талабалари билан махсус аралаш модел (Self-Blend Model) асосида машғулотлар ташкил этилди. Ушбу синов модели асосида кечки таълим 1-босқич талабаларига “Ахборот технологиялари” фани ўқитилди. Тадқиқотимиздан келиб чиқиб айтиш мумкинки, аралаш таълим моделларини қўллашда дастурнинг мақсади нимадан иборатлиги, дарс жадвалини тузишда фанлар ўрнини ўзгартириш мумкинлиги, қандай технологиядан фойдаланиш, талабаларнинг онлайн ўқишга тайёргарлик даражаси, уларнинг уйда компьютер ва Интернетдан фойдаланиш имкониятига эгаллиги, онлайн таълим талабаларнинг билим олишида қўлланиладиган моделнинг асосий ёки қўшимча экани, онлайн таълимни ташкил этишда қўлланиладиган дастур қандай қўламда амалга оширилиши каби муаммоларга ечим излаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Staker H., Horn M.B. Classifying K-12. Blended Learning. Available at: <https://www.christenseninstitute.org/wp-content/uploads/2013/04/Classifying-K-12-blended-learning.pdf>
2. Graham C.R. Blended Learning Systems: Definition, Current Trends, and Future Directions. Handbook of Blended Learning: Global Perspectives, Local Designs. San Francisco, Pfeiffer Publ., 2006, pp. 3–21.
3. Ashurova D.N. Conceptual and terminology apparatus of the blended learning //Foreign languages in Uzbekistan, 2020, No 4 (33), pp. 164–174.
4. Launer R. Five Assumptions on Blended Learning: What Is Important to Make Blended Learning a Successful Concept? Hybrid Learning, Third International Conference, 2010, pp. 9–15. DOI: [10.1007/978-3-642-14657-2_2](https://doi.org/10.1007/978-3-642-14657-2_2)
5. Graham C.R., Dziuban C.D. Blended Learning Environments. Handbook of Research on Educational Communications and Technology. 2008, pp. 269–276. Available at: https://www.researchgate.net/publication/267774009_Blended_Learning_Environments
6. Procter C.T. Blended Learning in Practice. Education in a Changing Environment 17th-18th September 2003, Conference Proceedings. <http://www.edu.salford.ac.uk>
7. Ellis Caht. You Can't Do That in a Classroom!: How Distributed Learning Can Assist in the Widespread Adoption of Hybrid Learning Strategies. Hybrid Learning and Education, First International Conference, 2008, pp. 1–16. DOI: [10.1007/978-3-540-85170-7_1](https://doi.org/10.1007/978-3-540-85170-7_1).

8. Moskal P., Dziuban C., Hartman J. Blended Learning: A Dangerous Idea? Internet and Higher Education, 2013, no. 18, pp. 15–23.

DOI: 10.1016/j.iheduc.2012.12.001.

9. Heinze A., Procter C.T. Reflections n the Use of Blended Learning.

Available at: [http://usir.salford.ac.uk/id/eprint/1658/1/4247745025H_CP -
_paper9_5.pdf](http://usir.salford.ac.uk/id/eprint/1658/1/4247745025H_CP_-_paper9_5.pdf).